ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Я.Е.ЧИЧЕРИНА, Д.А.НУРКЕЛДИЕВА, Д.Б.ЯКУБЖАНОВА

МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

(ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 371.134 (075)
КБК 74.3
М-92

М-92 Я.Е.Чичерина, Д.А.Нуркелдиева, Д.Б.Якубжанова. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 128 бет.

ISBN 978–9943–4500–2–8

«Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» ўқув қўлланмасида мўлжалланган мазкур ишда мутахассислик фанларини ўқитишнинг назарий ва методик масалалари қамраб олинган бўлиб, республикамизда дефектолог кадрларни тайёрлашнинг долзарб муаммолари, шу жумладан, дефектологик таълимни ташкил этишнинг меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлил қилинган. Олий таълимда, хусусан дефектология таълим йўналишида мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш ҳамда талабаларнинг мустақил ишларига раҳбарлик қилиш юзасидан тавсиялар берилган.

Олигофренопедагогика, логопедия ва сурдопедагогика мутахассисликларида мутахассислик фанларини ўқитиш, педагогик назоратни амалга ошириш методлари ёритилган. Мазкур ишда янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқитувчи ва талабаларнинг самарали мулоқотини ташкил этиш масалалари ҳам ўз аксини топган.

Ўқув қўлланма «Дефектология» мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган магистратура талабаларига мўлжалланган. Ундан ижтимоий-гуманитар йўналишидаги бошқа фанларни ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўқув қўлланма ДИТД ИТД-1-61 лойиҳасида бажарилган.

Тақризчилар:
А.Ю.Аюпова – педагогика фанлари номзоди, профессор;
Д.А.Назарова – педагогика фанлари номзоди, доцент.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий Кенгашининг қарори (2013 йил 14 ноябрдаги 4-сонли баённома) билан нашр этилди.

ISBN 978–9943–4500–2–8

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

«МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ» КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Асосий тушунча ва терминлар: «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Бола ҳуқуқлари кафолати тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, бакалавриат, магистратура, давлат таълим стандарти, ўқув режа, ўқув дастури, махсус (дефектологик) таълим, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, математик ва табиий-илмий фанлар, умумкасбий ва мутахассислик фанлари, ихтисослик фанлари, таълимнинг қўшимча турлари, рейтинг тизими, касбий фаолият турлари, мутахассислик фанларини ўқитиш, таълим мақсади ва вазифалари, ўқитиш тамойиллари.

1.1. Замонавий босқичда мутахассис-дефектологлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши, ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлини белгилаши кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини қайта кўриб чиқиш, бу борада қатор чоралар кўриш заруратини келтириб чиқарди. Шу муносабат билан, энг аввало, таъкидлаш лозимки, иккита жуда муҳим ҳужжат қабул қилинди: таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларини, республикада таълим тизими ва турларини белгилаб берган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга доир «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бугунги кунда Дастурнинг учинчи босқичи (2005 ва кейинги йиллар) амалга оширилмоқдаки, у қуйидагиларни кўзда тутади:

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базасини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини энг янги ўқув-методик комплекслар, илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан тўлиқ таъминлаш;
- миллий (элита) таълим муассасаларининг тикланиши ва ривожланиши, уларнинг мустақиллиги ва ўз-ўзини бошқаришини таъминлаш;
- таълим жараёнини ахборотлаштиришни таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини дунё ахборот тармоқларига чиқиш имкони бўлган компьютер ахборот тизимлари билан тўлиқ қамраб олиш.